

Низомжон Парда

ОҚ ҚУШЛАР ДИЁРИ

Шеърлар



**Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитетининг
«ЁШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ
Тошкент — 1975**

Шоир Низомжон Парданинг
номи кўпдан китобхонларга та-
ниш. Унинг қатор шеърӣй маж-
муалари нашр қилинган.

Қўлингиздаги ушбу тўпламга
шоирнинг кейинги йилларда ёз-
ган асарлари жамланади.

Ўз
П 21

Парда Н.

Оқ қушлар диёри.
Шеърлар. Т., «Еш гвар-
дия», 1975.
48 б.

Парда Н. Страна ле-
бедей. Стихи.

Ўз2



© «Еш гвардия», 1975.

ЎЛКАМ ҚАСИДАСИ

В А Т А Н

Муқаддас саналдинг ҳар фарзанд учун,
Меҳринг ҳар фарзандга бош бўлиб қолди;
Жангда Гастеллолар кўрсатса кучин,
Зоялар саботда тош бўлиб қолди.

Сирли парвозларда Юрий Гагарин
Номингни буркади чечакка, гулга,
Эгаллаб фазонинг сирли зафарин,
Сени деб айланди бир сиқим кулга.

Шоирлар шеър битди шаънингга атаб
Ва кийди бошига шараф тожини.
Мен ҳам тинчимасман, жонажон Ватан,
Бурчинг ўтамасдан то сени!..



Боқсанг олислардан кўзлар қамашгай,
Чорлар оғушига сир, хаёл бўлиб;
Қоинот кўксига бирам ярашган —
Туманликлар аро зарҳал хол бўлиб.

Дерсан, шароб тўла зар пиёлами,
Ё нур қамалганми биллур ичига,
Йўқ, у — улкан.
Йўқ, у — сирлар олами.
Ўша — қудратларнинг барига эга.

Ўша — инсон учун қутлуғ саждагоҳ,
Ўша — одамзодга танҳо илоҳа,
Жамики жонзодга ўшадир даргоҳ,
Ўша — ҳаёт қайноб қудф уртан боҳа.

Рангидай гулгундир олмалар туси —
Ел билан ўйнашур боғлар шовиллаб;
Шодон янграб қолар чоллар кулгуси —
Зарбидан силкинар мош-гурунч мўйлаб.

Қайғу, шодлиги-бир, топгани — баҳам,
Шундандир элининг кўксин тоғлиги.
Тоғ, сарҳадлар оша лекин ҳамма ҳам
Ахир эга эмас бу хил толега.

Қитъалар қўйнида ёқут ранг ялов —
Эркака, ҳуррийатга ундаб балқигай.
Бурчак-бурчакларда ўрлайди олов
Уруш одамларни ўрар чалғидай.

Она чопар гўдак баридан тишлаб,
Ёнғин шуъласида юзлари қирмиз...
Шундай, офатлардан ҳаётни опичлаб
Шундай чарх урар Она Еримиз.

Б У Р Ч

Тақдир менга ато этди туйғу деган бир сеҳр,
Тафтингда тоғ ёнсин деди туйғу билан гар ёнсанг.
Бир кўзимга қаҳр берди, бир кўзимга ишқ-меҳр,
Эзгуликдан сўзла деди гар шонир замонсан.

Зар ё амал лозим бўлса
Сенда на у, на бу бор,
Забонингга суян танҳо — гапнинг шу ибтидоси,
Бобораҳим Машраб руҳи бўлгай ўзи мададкор.

Дер: — ганжина қули бўлма, бўл ҳақ сўзининг адоси.
Ҳақсизликка Байрон, Пушкин кўтарган каби исён —
Исёнкор бўл, асрингда ҳам бор, — дер, — доғсифат ҳолат,
Бари бир хил тугилган-ку ахир оламда инсон.

Бирин илигини бири сўрар шуми адолат?!
Уфқда погоҳ найкамалак балқса — менда ҳаяжон.
Яна қаер ёнаётир дея келар сўрагум.
Ҳар кун қайбир жароҳати билан жумлан-жаҳон

Тўлғонаркан —
Тўлғонмасми менинг ҳам шу юрагим.
Илҳом менга ато этган туйғу деган бир сеҳр
Тафтингда тоғ ёнсин деган туйғу билан гар ёнсанг.
Бир кўзимга қаҳр бериб, бир кўзимга ўт-меҳр.
Эзгуликдан сўзла деган гар шонир замонсан.

Ҳа, тўрт буюк мамлакатнинг бирига мен граждан
Кафтим узра тоғдай таянч азиз Советлар юртим,
Мен халқаро минбар узра шеър ўқиб бир қарашда —
Жингалак соч хориж дўстда сўзининг таъсирин кўрдим:

Қўзларида ўт чақнади ялт этиб чақмоқ мисол
Стол узра турган қўлин тортиб мушт қилиб қўйди,
Океанлар қирғоғига учди қуш каби хаёл
Қондошларин азобини бу гал ўзгача туйди:
Назаридан бир-бир ўтди дуд ичида ётган юрт
Қуйругидан «ажал» ташлаб қочган «қора калхат»лар,
Оқсоч она ўққа учар — бўлурми сақлаб сукут.
Ёш қаллигин топтаб олчоқ қўшни уй томон ҳатлар.

Мен тўрт буюк мамлакатнинг бирига ҳур граждан
Қифтим узра тоғдай таянч азиз Советлар юртим,
У кун минбар узра дўстлар шеър ўқиб бир қарашда —
Жингалак соч хорижийда сўзнинг таъсирин кўрдим.

Рост-да, ахир бирон қалбга руҳ бермаса даб-дуруст,
Ё жабҳага чорламаса бундай шеърдан не келар?
Уйғон! деса вафлатлардан ўйланмаса энг унвас,
Киммани қўл қўймасам қилвалар.

Қайда бўлмай юрагимда ўтдай кизғин Салом бор.
Саломнинг қўли юртга дурриларнинг талқини,
Қўлларимда қилич эмас, тилларимда калом бор
Мен сўз билан бошқараман жумла олам халқини.

Тарих китобини варақлар қизим...
 Тош асридан дарак берар сарлавҳа;
 Мен ҳам кифти оша боқаман, шу зум —
 Хаёлни эртақдай тортар бир лавҳа:

Молнинг терисига ярим ёпинган —
 Қўлларида тош, кирки тутган одамлар;
 Гоҳ ғордан чиқишса, гоҳ тоғдан энган —
 Мамонтни ҳай-ҳайлаб ўтган одамлар.

Улар ўн, улар юз, ё минг бўлса ҳам
 Кечқурун бир гулхан атрофида жам,
 Анойимикан-а, бўлмас ўлжани —
 Барининг топгани ўртада баҳам.

Кундузи ов гашти мавзу даврада,
 Гоҳ кўзга кўриниб кетар мўғизлар;
 Эртани ўйлашмас: ўрмон, дарада —
 Омон бўлса басдир мамонт, тўнгизлар.

Тарих варақлаймиз...
 Ер-у, кўкда ўт.
 Ганчкор қасрлар ёнар гурро-гур,
 Одамларда энди исфихон совут,

Қўлларда найза, тиг, бошда занжир тўр,
 Тарафлар бир-бирин сўғиш билан банд,
 Отлар кишнар, шпор ниқталар тинмай;
 Ана ҳайкал қулар не-на баланддан,
 Ана тутун ичра қолар кўринмай.

Жанглар бўлса эҳе ҳали совимас,
Элни молдай ҳайдаб чиқишар боғдан,
Бу мамонт овимас, мамонт овимас,
Асир олаётир одамни одам.

Тарих китобини варақлар қизим...
Сўнгги бобларга ҳам ўтгандик энди —
Қогозда қандайдир лойиҳа чизиб,
Нурлар орасида бир қўл кўринди.

— Дада,— деб қизгинам сўрайди бу он,—
Шундай қалам тутса ҳар қўл нетарди?
— О ундами, унда, тўкилмасди қон,
Оламини илм-ҳикмат чулгаб кетарди.

— Дада, илмдан-ку, атом, водород
Ҳатто баъзи оғиллар ҳам
Жавоб беролмасдан қоламан ҳайҳот
Сенга қандай айтай о норасидам.

Туғри, ҳаёқ юмушини осон қилар деб
Булар ҳам илмнинг яратган иши.
Аммо билмаганлар замонлар келиб
Урушқоқ қўлларга тушиб қолишин.

— Тунов кун муаллим бизга айтдилар:
Янги қурулларнинг тенги йўқ экан,
Ҳозирги атомлар портласа агар —
Ер чиқиб кетармиш ҳатто ўқидан.

Ҳаёт тамоммасми нақ бир лаҳзада,
Ҳайрон бўлиб қопмиз эсимиз оғиб.
Йўқ... Бундай урушлар бўлмас-а, дада?
— Сизларга боғлиқ-да, қизим бу ёғи...



Ранглар мавжи, ранглар рақсида
Шуъла кўраман;
Ўтга тушган пўлат аксида
Шуъла кўраман;
Шулаларда ажодим қони,
Уни севдим шу ваяданки маи.
Шуълаланиб тутган жаҳонни —
Қур Советлар гражданимаи.
Қар бир янги кунни қизариб —
Қуёш кутиб олгани мисол,
Довонлардан ошганим сари
Шуълаланиб кўринар иқбол.
Шуъла билан Ватаним безаб,
Шуълаларнинг бағрида кечгум.
Шуълалардан аргимчоқ ясаб,
Мен қуррадан Ойга ҳам кўчгум.



Фазогирлар номин мен ҳамон
Эсга олгум севган қўшиқдай:
«Қоинотнинг олис бурчидан —
Кўринармиш Ер парча чўғдай»

Шундай! Бунга шубҳа қилганлар
Бир ҳақ гапни англашга чиқсин:
Қарорати бўлмаса агар
Ерда инсон қандай чиниқсин.

Тун пардасин чил-чил этганда кундуз
Гойиб бўлганидай минг-минглаб юлдуз;
У содда жилмайиб боққанда, бирдан —
Не-не пайғамбарлар ўчди хотирдан.

Қулликларга қарши кўтариб исён,
«Агар дунёда тенг яшаса инсон
Не-не доврўқларни бошлаб ўтар,— деб
Йўқсилни эъзозлаб бошга кўтарди.

Йиллар ўтди, йўллар гирдобли, чангли,
Йиллар ўтди, йиллар оловли, жангли —
Собиқ йўқсилларнинг бахти ёр бўлсин,
Қадоқ қўлларида очилди тилсим.

Жаннат ку, сародан бўлмагани рост,
Жаннатни ўшалар яратди рўй-рост,
Ерни қойил этиб Ойга учди тик,
Ложувард, фазолар бўлдилар кўарик.

Зафарли изига боқаркан бардам,
Бир вақт кўтаргандай энди ўзин ҳам —
Раҳматлаб бошига кўтарди башар,
Бу — Ленин! Бу энди умрбод яшар!..

Толе мени севиб, қучиб бир чаманга ёр этди,
Қўзларимда шуълаланди чечакларнинг ранглари;
Юрагимга олам-олам шавқ солди, бедор этди,
Олислардан садо берди сеҳргар оҳанглари.

Тоғларни ганжина билдим, тупроқларин тўтиё,
Қаъбам дея жон риштасин ёлғиз унга боғладим;
Гиёҳларин ўпдим, меҳрин юрагимга айлаб жо,
Гулларини узмоқ бўлса — ёт қўллардан сақладим.

Олдда умид машъал экан бузмадим асабларни
Гоҳи-гоҳи йўлдош бўлсам турфа хил одам билан,
Бўҳтон тошин отсалар ҳам тўқиб мижғов гапларини
Барин босиб, янчиб ўтдим оғир фил қадам билан.

Толе менга бир чаманни топшириб деди:— қўри,
Учрар зараркунапда ҳам гуллар ўсган чаманда;
Домга олгум,
Човут солгум,
Мен —
Учқурлар учқури,
Губор қўнмас,
Сувда чўкмас,
Ўтда ёнмас Самандар*...



Булутлар қўшилса булутлар билан
Яралар кўз етмас дарёйи-уммон,
Элатлар қўшилса элатлар билан
Кимлигини кўрсатар қудратли Инсон.

Улуғлар сафида кўраман бастинг,
Улуғлар сафида улуғсан элим,
Истасанг юлдузни қўндирар дастинг
Ва босган қадами қутлуғсан, элим.

Қудратли домналар оташ тафтида
Кўрнб ҳайрондирлар ўт-нафасингни,
Олис фазоларнинг сирли қатидан
Эшитиб қоларлар янгроқ сасингни.

Азиз Ўзбекистон пойинига тоқдинг,
Қўлинг устун, омад мудом ривождир
Кўнгли пахтасидай оқ кўнгли халқин
Оқ пахтаг бир умр бошинига тоқди



Мен ҳам баргман:
Сўлимлигим сен билан ҳар он;
Мен ҳам баргман:
Тиниқлигим сен билан, ўлкам;
Сендан айри тушган куним —
Рангим заъфарон
Мен ҳам баргман:
Тириклигим сен билан, ўлкам.

ЎЗБЕКИСТОН

(Қ а с и д а)

Пештоққа қадалса ўн беш алвон туғ,
Гербидан танийман республикамни;
Қўшилар мақтаниб солмасин доврўқ,
Мен кўз очган дунё улардан камми?!
Олис кечмишдан сўзламайман, бас,
Қонли тарихини биларсиз қисман,
Энди парчаланган холиқлар эмас.
Номи олам аро ҳур Ўзбекистон;
Донгли республикам — доигли масканим,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Қутлуғ Инқилобнинг саҳари бир дам
Жар солгач оламга бургулар чалиб
Қурранинг олтидан бирида сен ҳам
Қуллик кишанларин отдинг парчалаб;
Қўш бошли бургутнинг ошганда ҳадди
Қанотин қирқмасдан йўқ ўзга чора,
Бирлашди ўлкалар кўтарди қаддин —
Ўроқ, болга тутган йўқсил бечора;
Бугун чиройингга ҳайронмиш ғаним,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Жавзада тоғларда силжийди музлар.
Булоқлар отилар, сачрайди оқ сув,
Қулоғи чумишиб, юлдузни кўзлаб,
Чўққидан чўққига сакрайди оҳу;
Қатламлар қаърига солиб ғул-ғула,
Дарёдай чайқалар нефть тўлқини,

Қадим тупроғимиз бойликка тўла,
 Газлида барқ урар олов ёлқини;
 Ҳали қўл тегмаган олмос, маъданам,
 Ватаним,
 Ватаним,
 Ватаним.
 Сап-сарик товланар қирнинг бир ёни,
 Бошоқлар бошини тутолмай эгик:
 Гўё ёт кўзлардан қўриқлаб донни
 Ҳар қилтиғ жайранинг туки қадар тик.
 Бир тараф ям-яшил кета-кетгунча,
 Эгатлар оралаб сув тарар кимдир;
 Хилма-хил шоналаб ётибди ғунча,
 Кетмонлар зирҳида ялтиллайди нур;
 Бугдойзор, пахтазор—гулгун чаманим,
 Ватаним,
 Ватаним,
 Ватаним.
 Ҳур-ҳур ёно қотар боғлар шамоли,
 Ҳушбўйлик бахрдан ҳузур топар жон;
 Қизарар олчалар чўғдан ранг олиб,
 Силкинар шохларда маржону маржон.
 Сойлар этагига минг таноб ташлаб,
 Пушталарни босиб барг ёзар палак;
 Ҳосилин чамалар деҳқон ёйбошлаб
 Кўзининг ўнгида тўрлар ҳандалак;
 Қулф урар боғчалар, боғлар ястаниб,
 Ватаним,
 Ватаним,
 Ватаним.
 Шаҳарлар қўйнида юлдузли оқшом,
 Мушаклар сачрайди бир дасда гулдай;
 Неон лампалардан ер-кўк нурафшон,
 Фарахбахш дамлардан чеҳралар кулгай;
 — Анов қайси қаср? Мунча юксак-а!
 — Навоий театри.

— Оҳо, чиройлик.
— Балет кўрамизми?
— Юринг-чи, ака.
— «Спартак» бўлармиш.
— Қалай?
— Кирайлик!

Мармар кечаларим, биллур фонтаним,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Хандон ташлаб ўтар бир гуруҳ қизлар
Оёқда оқ туфли, бошда ироқи.
Барининг эгнида чақмоқдай атлас,
Изидан термилган тўймайди боқиб.
Тўйдан келишарми? Сайлми? Ҳечам!
Фабрикадан қайтар сулув чеварлар,
Дастгоҳ бошқаришиб кундуз-у кеча,
Шоҳи тўқувчилар шоҳи берса гар.
Мен юрак созимни сенга атадим,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Узоқ қнтъада ҳам чиқар бозорга
Ўзинг етиштирган кимхоб-у адрас,
Дейди шерозликлар қатин ёзаркан:
«Самарқанд сайқали рўйи замин аст».
Қалб шунда шодликка кетса ҳам тўлиб,
Диққатин тортмай деб тураман кўппинг,
Гул-у, чаманларинг таърифи бўлиб
Ярқиллар бошимда тўрт гулли дўппинг,
Ундан кимлигимни қоларлар таниб,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.

Элинг жасорати ўзи бир қисса
Бугун Афғонда ҳам завод қуради;

Асвон тўғонига қўшилган ҳиссанг
Асрлар кифтида мангу туради.
Ҳа, сен бир майиз ҳам топсанг агарда
Қирққа бўлиб баҳам кўргувчи жонсан,
Шу ҳимматинг билан кирдинг сафларга,
Шу ҳимматинг билан элга шоёнсан;
Ҳиммати бамисли дарё ҳотамим,
Ватаним,
Ватаним,
Ватаним.
Таърифинг битганим «урра-урра»мас,
Тўғри, зиддиятлар учрар қадамда,
Бир хил тепмас юрак, бир чиқмас нафас,
Ахир беш бармоғи тенгсиз одам-да,
Аммо чарх ураркан шу тезкор ҳаёт,
Ҳам воқиф эруркан ҳар биттасндан
Сарасин саралаб, пучагин бот-бот

Сепларимни бир кўринг деб лаҳза-ю, онимда куз
 Нозли қиздай ақлим олди нозланиб ёнимда куз,
 Ортидан тушдим ҳайиқмай, бошлади бир ўлкага.
 Кўзларимда иштиёқ-у руҳи-имонимда куз.
 Бир ёни уфққа туташ қир, боғлари бир ёп экан,
 Хурмолар чайқалса шохда, шохлари ларзон экан;
 Биз куёвларга қийиқмиз деб учар-мезбон экан,
 Боридан кўзлар қамашгай ер-у осмонимда куз.
 Шарқираб тоғни тароғлар — дарёси мармар, зилол,
 Беллари нозик санамдай — сувга тушганмиш ҳилол,
 Шуъласими, сочларими эшиларди тол-тол,
 Шаънига олқиш ўқирди: «Тоғ-у, хирмонимда куз!»
 Бағри кенг пайкалларига имласа тушдим кўниб,
 Офтобдай чехрасига тўймайин боқдим тўниб,
 Тоғ-тоғ хирмонларига бесаноқ юлдуз кўниб
 Шаънига олқиш ўқирди: «Тоғ-у, хирмонимда кўз!»
 Саҳни дарё кўчаларни тўлдириб ёрон ўтар,
 Дури-гавҳарларни ортиб — елкалаб карвон ўтар,
 Ҳар шиори эзгуликдан нақл этиб алвон ўтар
 Боғ-у бўстонимда куз-у, даври давронимда куз.
 Боғи Эрам, Ҳовзи Қовсар гаштини тушда суриб,
 Эртанинг ўйи билан банд эллари тонгдан туриб,
 Ол, яшил рангда ёйилгай пахтазорларга кириб,
 Ризқини термиш эгатдан, ғазна-ю қонимда куз.
 Баъзиларнинг манглайида тер ёғар бир чоғда
 Ош билан лунжин шиширгай баъзилар овлоқда,
 Бир тараф «жанг», бир тарафда ялқови ардоқда
 Соялардан сурни сур эй амри-фармонимда куз.
 Кўп ажиб лавҳангни кўргач, титрадим япроқ бўлиб,
 Ҳамма ҳам қадрингга етса кўнгли сутдай оқ бўлиб,
 Қимлигингни кенг жаҳонга кўрсатардинг тоқ бўлиб,
 Сен улуғлардан улуғ ҳей, Ўзбекистонимда куз.

Қ У Т Л О В

(Экспромт)

Мезон учар, куз сепини ёзмиш боғларга
Боғлар аро шивирлашар барглар тилла ранг;
Пайкалларда сулув пахта кўрк қучоқларга,
Мадҳи эса ҳар гурунгда бермоқда жаранг.
Ҳисларимиз дарё каби шарқироқ тошқин.
Қалималар лабдан учар қушлардай шошқин,
Эй ҳаяжон қўшиқ бўлиб қалблардан жўшқин.
Қўшиқларнинг авж пардаси мардларнинг ҳаққин.

Бармоқ куфлаб, дами билан кесиб аёзни
Музлаган ер қат-қатини кукуи қилолган,
Бошга найза бўйи келган кунни, авж ёзни
Писанл атмай қарталарда яшил на солдан
Шу қўшқиннинг қўшқини.
Стартига етиб келган довоңлар оғиниб,
Елкасида залворли юк-алп карвонбоши —
Паллакорим — бахтли кўртининг соҳибатини

Чумолидан тортиб ҳатто виқорли элга
Ризқ беролса уруғ сочиб шу бобо деҳқон,
Дунёларни пахтаси-ю, ипаги билан
Кийинтирса қўриқ очиб шу бобо деҳқон...
Мартабасин улуғласа машшоқлар сози,
Даврасига олиб кирса қанча тўй-базм,
Табрик этиб пойларига қилинса таъзим,
Тогдай эрур ҳимматига оз бўлур балки.

Фахрланса арзигулик ўлкаси ҳам бор
Мовий бўлиб яшнаб ётар тун-кун бўй-эни.
Яйлов, қўриқ, боғ, шоликор бўлган бир диёр
Байроғида қубба эрур Ленин ордени.

Боқинг, бу кун шу азамат Алпомиш юрти
Боботоғдай хирмонни даст кўтариб турди,
Алвон рангли истиқболга юзини бурди,
Манглайида олтин жиға — бахт, иқбол балқдир¹.

У Ч Л А В Ҳ А

Қайда ёмғир сепалаб томган,
Қайлардадир зарра намлик йўқ:
Сарҳадларда тўкилган қондай
Алвон бўлиб қизарган уфқ.

Оппоқ танли бўйчан тераклар
Ҳизилишиб турар соқчидай.
Қалгирайди юксак-юксаклар
Кунини Ерга туширмоқчидай.

Хув шудгорга дон сепар деҳқон,
Тупроқ бўйи анқиб ётар хуш.
Чексизликни айлаб бир макон
Бўшлиқларга сингиб кетар қуш...

¹ Сурхон диёри пахта топшириш давлат планини бажариш муносабати билан ёзилган.

Энди бир тутамлик офтобдир қуёш,
Энди найза бўйи тик келиш қайда?
Мисдай қизимайди энди тоғ-тош,
Энди ҳароратлар анча пасайди.
Энди бир тутамлик офтобдир қуёш.

Дов-дарахт, ўт-ўлан офтоб рангида,
Офтоб рангидадир япроқлар энди,
Ялпоқ нилуфарлар сувлар тагида —
Офтоб ранг тебранар боқсанг гар энди,
Дов-дарахт, ўт-ўлан офтоб рангида.

Энди ҳувиллаб ҳам қолган дала-қир:
Момиқ пахталардан тикланди хирмон,
Энди мева ҳиди уйларда анқир,
Ҳумчаларда асал, оморларда дон.
Энди ҳувиллаб ҳам қолган дала-қир.

Адир этагида кўтарилар чанг:
Бурма зигурлардан қайтади сурув.
Олис-олислардан рўёдай аранг
Қулоққа чалинар: «Ба-а...», «Ҳайт!» — ҳайқирув
Адир этагида кўтарилар чанг.

Сув бўйида сулув. Кўза қўлида,
Тарқоқ сочларидай ўйлар паришон,
Бир жуфт шахло кўзлар ёрнинг йўлида:
Уни ишқ ҳайкали десалар, ишон!
Сув бўйида сулув. Кўза қўлида.

Ҳамиша бор бўлсин шу мовий олам,
Фасллар алмашиб қулф урсин ҳаёт,
Нурин сочсин боқий кўкда офтоб ҳам,
Ишқидан бахтиёр бўлсин одамзод,
Ҳамиша бор бўлсин шу мовий олам.

Яп-яланғоч шоху-шохчалар,
 Серрайғанча қотган дов-дарахт,
 Хазонларга ёппниб карахт
 Уйқудадир боғлар, боғчалар.

Кимсасиз йўл, сокнидир дала.
 Ҳайдалган ер турар қорайиб.
 Булут қисиб осмон торайиб —
 Шаррос қуйиб ўтади жала.

Шундай кезлар чиқ дала, боққа,
 Чексизликка бирпас разм сол,
 Тўйиб-тўйиб бирпас нафас ол.
 Намхуш тупроқ анқир димоққа.

Теракларнинг ортида бир қуш
 Қўтаргудай бошга дунёни,
 Сармаст бўлиб, кўзлари ёниб,
 Тўлиб-тўлиб қилади хониш...

ШОИР ТЕША САЙДАЛИ ХОТИРАСИГА

Я вечности не приемлю,
Зачем меня погребли?
Мне так не хотелось в землю
С любимой моей земли.

(Марина Цветаева)

О мени ҳам қўймиш ерга
Юртим, у
Уйим,
Кошонам.
Айтинг, бўзлаб нима деркан
Қўзи тўла ёш онам?
Нетай танни тупроққа деб
Керагимни қолдирдим.
Қўшиқ тўла юрагимни
Юрагимни қолдирдим.
Бизни ташлаб кетди замон
Кетишда ҳам келиш бор.
Қўзни ёшлаб кетди деманг
Кетишда ҳам келиш бор.
Турмайсизми ажабланиб,
Гулга ранг бўлиб инсам.
Қувмайсизми — боғингизда
Какку бўлиб кўринсам.
Саҳар чоғлар пахтангизда
Шабнам бўлиб турарман.
Байрам кунлар дарчангиздан
Ёғду бўлиб кирарман.
Жон оғалар, янграйверсин
Ватан бўйлаб қўшиқ, шеър
Куйлайверинг, куйлайверинг,
Яшаб турсин, жўшиб шеър.

ШАҲРИМ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Яқинлиги бамисоли туташ қошга баробар
Қўш ўлканинг шоириман, қандоқ бахтим бор мешинг;
Қамлик қилур тепасидан минг ўргулиб сочсам зар
Ҳар бирига умрим бўйи кўксим таъзимкор мешинг.
(Муаллифдан)

Ў! Мунча доврўқли бўлурми шаҳар,
Ёки кўрганларим тушимми рўё.
Хил-хил машиналар маржонга ўхшар —
Маржондай тизилиб ўтарлар гўё.
Минг бир жилва билан яшнар кечаси,
Алвон шафақларга бурганича юз;
Наздимдаги шу бир Ленин кўчаси
Серюлдуз осмондай серюлдуз.
Мармар ҳовуз ичра тинмай кўпириб
Маст туядай кўпик сочар фаввора,
Атлас кийган қизлар тўп-кўп ўтириб
Сувга бетин чайиш билан овора.
Салом, сизга бўлсин Қарши қизлари,
Салом, сизга ўхшаб кулган замонга.
Салом, салқин туннинг ой-юлдузлари,
Салом, алп шаҳарга, танти инсонга.
Танти инсон деймиз, ҳотамга тенглаб,
Йўқса, мақтовига лойиқдир қай сўз,
Нақшинкор бинолар тиклади минглаб,
Мен улар сафида бўлмадим, афсус.
... Бунга юрт бошига тушган жанг сабаб,
Йўқса, шунча ташвиш кўрмасдик балким,
Экинлар ҳам ҳосил берди беадаб,
Ўз нажот йўлини излади ҳар ким.
«Хув!» деб йўлга чиқдик, жўжабирдай жон,
Ўпкам тўлиб бир дам қалқди кўз ёшим;
Ў оғир кунларни эслайман ҳамон,
Барвақт савдоларга кирганди бошим.
Юртдан айри тушган нотовонлар бор,

Наздида тор бўлиб кўринар олам,
 Кўзда ёш ўрнида қонлар шашқатор,
 Бўш қолган қалбида дарду — мунг алам,
 Йўқ! Ўлар сингари кезмадим яккаш,
 Бўлмадим нон тилаб, элда саргардон,
 Улардай бир умр қалб бўлмади ғаш;
 Улар армонидай йўқ менда армон.
 Мени қарши олди қўшни бир ўлка —
 Ватанинг ажралмас гулгун парчаси,
 Бошидан бир умр аримас кўклам,
 Кўкламдай бир умр яшил арчаси.
 Чанқоғим қондирди зилол сув бериб
 Ғолиб шаршара-ю, ойнакўз булоқ,
 Тоғлар силласи, тоғлар занжири —
 Мисли тиш сингари қадалган тупроқ.
 Садамизга ўхшар чинорлар бўйчан,
 Тўймасдан термилгум чексиз водийга,
 Сувхон бўйларинда қозғанда ўйчан
 Тоғнинг қанқоғидорс кенди ёдига.
 Қумқўрғон бўйларин эслатар Чимни
 Қўйнин осмонидай мовийлик ёпмиш.
 Бунда хуш ҳаволар жалб этмас кимни
 Соҳилда боғ-роғлар ястаниб ётмиш.
 Боғларга кираман, салқин боғларга
 Шалдироқ баргларга айтиб-айтиб роз,
 Илҳом меҳмон бўлган шундай чоғларда
 Қўшалоқ ўлкамни этгум бор қиёс:
 Биринг — ихлос билан тил бердинг ширин.
 Бири — сайрашга жўр этди тилимни,
 Биринг — ихлос билан дил бердинг, бири —
 Қўшиққа ошно этди дилимни.
 Шу-шу қўшиқ ҳамроҳ юрган йўлимда,
 Қўшиқчи боболар тутгай қўлимдан,
 Қўшиқ билан элга берай дейман, наф,
 Эй аждодлар юрти қадимий Насаф!
 Сенгадир бу галги қўшиғим — борим

Яхшиям бор экан ишонч, эътиқод
Бирон-бир мақсадга чорлайди дадил,
(Шусиз бир чақага олмасди ҳайҳот —
Семириб яшашни қургур содда дил).

Йўлдаман, олдинда манзил имлайди;
Манзилим тоғлардан нари бир шуъла,
Одатда дўст дўстга оқ йўл тилайди,
Душман қараб қолар соч юла-юла.

Шу йўлда ажратдим яхшини ётдан,
Шу йўлда билинди завқу-шавқ, дард ҳам;
Шу йўлда сабоқни олдим ҳаётдан,
Шу йўлда учради мард ҳам, номард ҳам.

Довонлар ошаман. Баъзан йиқилгум
Дейман не бўлса ҳам букмай продам:
«Майлига қоқилай, қонасин бурним
Лекин эътиқодсиз бўлмасин одам»...

* * *

Ҳали сарғайишлар давридан холи
Тиниқ япроқларда ўйнар шуълалар;
Фарахбахш водийнинг эрка шамол
Аллалаб куйлайди шўх ашулалар.
Ҳаётимдай яшноқ, сўлим япроқлар,
Зумрад қатингиздан кўз олмайман, о! .
Ўзишга иштиёқ кучайган чоғлар
Титроғингиз кўриб узолмайман — о!

Юрганда-ку йўлларингда гуллар унмиш,
 Кўз юмсанг ҳам барҳаётдир исминг сенинг.
 Тупроқ бўлмиш ёки, ёҳуд олмос бўлмиш —
 Коинотда мангу қолган жисминг сенинг.
 Бир кафт тупроқ узра япроқ ёзар гиёҳ
 Тупроқларга қўшиларкан зарраларинг;
 Филоф ичра сен пинҳоний шамшир гўё
 Офтоб тегса ярқирагай қирраларинг.

* * *

Зулмат дамидан нур чўчимас, йўқ-йўқ,
 Йўқ, зулмат қўйнида равшанлашар нур;
 Курашларда инсон топаркан доврўқ
 Курашлар қўйнига ўзни ур.

* * *

Қандай юмуш билан банд бўлсанг ҳам гар
 Вақт тошиб титгуниг бор китоб, китоблар.
 Китоблар ҳар бири бўлиб чилангар
 Донишлик бобида ақлингни тоблар.

Баъзнисини ўқийсан ҳафталаб секин
 Ва ундан кашф этгунг битта олами,
 Олам ҳам бир китоб дейдилар, лекин —
 Ургана олмайсан йиллаб одами.

ҚАРДОШЛАР ҲУЗУРИДА

* * *

Остимда қаноти кумуш тус дулдул.
Қалбим талпинади ажиб шўҳ ҳисда,
Олдим олис бекатларга йўл,
Қорасоч дилбарим қолди олисда.

Ҳудудсиз мовийдир осмону фалак,
Булут подалари боришар ўтиб,
Гоҳо жилваланад хил-хил камалак
Уфқлар юзини шуъладай тутиб.

Гоҳо нигоҳ тушар пастга — кўк сувга,
Гоҳ кўринар тақир даштлар, гоҳ чаман
Ёр ишқин юрт меҳрин олиб кўксимга
Мен-чи, сарҳадлардан сарҳад учаман.

Дарахт кўкарса ҳам бир жойда зинҳор
Сув бир жойда айнир дерлар дамо-дам,
Эл тани, дунё кўр, деган жойлар бор
Дунё танимаса одамми одам.

* * *

Биз турли миллатлар олиб турли ранг
Қуёшдан нур ичдик қона ва қона.

Ўзга сайёрадан чиқиб бир қаранг:
Биз турфа гуллар-у, Ватан — гулхона.

О, ФЕРУЗА, ФЕРУЗА...

Етти чинор-у, феруза булоқ дейишса бугун
Хаёлимга келган эди битта чўпчак баайни:
Сув бўйида қиз қолдирган феруза кўз узугин;
Давра қуриб, қўриқлашар уни етти огайни.

Йўқ, сен узук кўзи эмас — сен ўлканинг кўзгуси,
Йўқ, сен узук кўзи эмас — сен Қопетдоғ ойнаси,
Олислардан келган сайёҳ зумда ҳордиқ ёзгуси
Кузатаркан пастликларда кўксувларнинг қайнашин.

Боғотларда мавж уради камалак ранг балқишлар
«Қизил оёқ» гиламини эсга солиб шу топда;
Қанот силкиб қарсак чалиб, гўё эркни олқишлаб
Гул тожилар тепасида чарх уради қўш каптар.

Баланл-балад арча ўсган занги билан аратан
Узумларнинг силсиласин кўтаргунча бошига,
Булутларнинг орасидан шамс қилар қараш-қараш
Зар сочларин тарагандай тоғнинг биллур тошига.

Халқинг бордир таърифларинг куйлаб ўтсам ер юза,
Қани ўша мис кўзангдан тагин қуйиб бер бўза,
Ўнгимда-ку ўйимдасан, тушларга ҳам кирарсан
Туркман деса — эсга тушгунг о, Феруза, Феруза...

Қачон қайга қилмайин сафар,
Эртакнамо муродга етдим.
Ҳар гал кўрдим янги бир шаҳар,
Ҳар гал янги олам кашф этдим.

Боку, Таллин қилди маҳлиё,
Нева бўйи ундан зиёда
Қадим Рига дер эди гўё:
«Кўрганларинг қолар дунёда»

Эрта тупроқ остидаман мен,—
Шу уришда урармиди дил.
Бугун тупроқ устидаман мен,
Тупроқ босиб юраман дадил.

Ш О И Р

(Янис Райнисга)

Жангчиларга ўхшар шоир: айтган сўзи — отган ўқ,
На милтиқдир, на шамширдир, унинг қуроли—қалам.
Оқ қогозлар — жанг майдони, унга бошқа майдон
йўқ,

Майдонларда қоқилиш бор, осон эмас унга ҳам.

Жангчиларга ўхшар шоир: айтган сўзи — отган ўқ,
На милтиқдир, на шамширдир, унинг қуроли—қалам.
Дарди, шавқи — олий буйруқ, унга бошқа фармон
йўқ,

Лабларда гоҳо хада, кипригида гоҳо нам.

Жангчиларга ўхшар шоир: айтган сўзи — отган ўқ,
На милтиқдир, на шамширдир, унинг қуроли—қалам.
Юрт тақдирини — жанг майдони, унга бошқа фармон йўқ,
Бошларига кўтарди кунлар келиб юрти ҳам.

Янис Райнис, ҳавас қилди ар мушук узрини бор,
Машаққатлар сўқмоғида шу шарафга етибсан.
Ҳар хонада нондай азиз сен битган дoston, ашъор,
Қалам билан улкан халқнинг юрагин забт этибсан.

Бугун тўйинг, шоднёна, бугун тантана, байрам,
Номинг билан нишонланар шеъриятнинг байрами.
Даргоҳингда мухлисларинг бари бўлган жамул-жам,
Севишаркан севганидек Гомер, Пушкин, Байронни.

Ўртоқ Райнис, сен назмда Болтиқ уфқин қуёшн,
Мир Алишер тупроғидан сенга келдим таъзимга.
Ҳузурингда юксаларди, кўкка етарди бошим,
Сенга бўлган эътиқодим акс этса шу назмда.

БИР ДАСТА ГУЛ ТАШЛАБ ЎТ

— Нега бунда турар шамшир, милтиқ, дафна
барглари?

Нега бунда қайинларнинг шохи ерга эгилган?
Нега куйлар қанотида бир одамнинг дардлари?—
Шивирлашар барглар мунгли қалбни

тилгани-тилган.

— Чунки бунда сен-мен учун жондан кечганлар
ётар:

Кимга ака, кимга тоға, кимларга бўлган ота.
Шу марҳумлар хотираси, руҳи учун биродар,
Бирпасгина қилгил сукут,
Бирпас кўзинг ёшлаб ўт.

Бу ўқ-ёйлар эртагимас, бу сўнги бир жангнома,
Ҳали-вери кечиролмас кекса тарих беомон.
Одамларни одамларга қайраб солди бир номард
Тутун-порох, ўт ичида қолди қимирлаган жон.
Қирғинларни лаънатлади ҳатто калхат озор еб,
Майдон аро қад кўтарди юзмигларнинг мозори
Яхшилардай кўзингга сурт сен ҳам хокдан бориб
Байрам кунлар қилма унут,
Бир даста гул ташлаб ўт.

БҮҮКЛИК ҚОШИДА

Одамлар, одамлар. Учисиз-тубсиз саф
Занжирдай буралар, оқар дарёдай;
Қуёш қорайтирган занжи-ю, араб,
Оқ дастурли турк, ҳинд... келган ҳарёқдан.
Хилма-хил бўлгандек одат, туйғулар
Кийимлар ранг-баранг, ранг-баранг тили,
Яқин бир маслакда учрашмиш улар
Олис-олисларда қолмиш манзили.
Қўрсалар ҳам етмас булар сонига
Вольтер сағанасин бориб бир ҳафта,
Бу шундай саф, Микел¹ пантеонига —
Қирган жаҳонгашта ҳам бор шу сафда.
Маккага бормасдп шунча халойиқ
Тавоб этмоқликка «Муаллақ тош»ни
Башар чин ҳурматга этолмиш лойиқ.
Мармар макбарада битта қўшмиш.
Одамлар, одамлар... одамлар сафи
Занжирдай буралар, оқар дарёдай,
Сукутда: на товуш, шивир бор на бир
Қадамларни бир-бир босиб бормоқда.
Юзларда ҳаяжон, кўзларида қунт
Кириб ҳам олдилар доҳийни ўраб:
— Рухсат эдинг, падар бузруквор бу кун
Биз ҳам келган эдик маслаҳат сўраб.
— Бирлашнинг,— дегандай юзланди шу дам
Яна бир авлодни қабул этиб Ильич.
Коммуна йўлида, кўринг Ильич сафи
Тобора тўлишиб, бўлиб борар зич.

* Микел — Микел Анжело.

Нолишим йўқ ўтган дамлардан,
Шавқим баланд, ихлосим баланд,
Толишим йўқ ўтган дамлардан,
Дамлар мамнунлигим билан банд.

Эҳтиросда қалб кеча-кундуз,
Қун кўксимга бўлган каби жой,
Бекингандай кўзимга юлдуз,
Қўнганидай мағлайимга ой.

Нега?
Нега?
Севинмай нега?
Севинч билан кўздан ёш чиққан,
Минг бир мўъжизалар комига
Юзларимни бурдинг машириқдан.

Фариштадай нуроний сиймо —
Донишмандлар бераркан сабоқ,
Унутмадим, таъзимда сийнам,
Шукрим айтдим сенга ҳам, сабоқ.

Қўшиқ бўлиб эрисин дилим
Ҳузуригда тутганимда қад;
Меҳрим сенга онажон, элим,
Меҳрим сенга абадул-абад.

Қучдингми жон элим, тагин зафар, шон,
Бўйингни кўрсатди ойнайи жаҳон,
Менинг-чи, кўксимга сигмай ҳаяжон
Ўйим қанот боғлаб қошингга учди.

Чинорлар сояси, ойдин кўчалар,
Тошида гул ўсган тоғлар, гўшалар,
Илдизимга қувват берган ўшалар,
Ўшалар, ўшалар ёдимга тушди.

Қирлар этагига элтар йўллар оқ,
Йўлларнинг бошида хирмонлар маёқ,
Хирмонлар, хирмонлар, э-ҳе ҳамма ёқ,
Аксига ҳаттоки уфқлар ёришди.

Ана мўралади дотаргун кўбун
Ширинга йўнларча, булутга тоғларча
Бошоқлар шовиллар кўтаролмай бош,
Сойлар этагида шолилар пишди.

Қушларнинг навоси тинмайди боғда,
Қумрилар басма-бас шўх сайрамоқда,
Ўктам йигитларни қолдириб доғда
Кўчани тўлдириб қизлар ўтишди.

Қучдингми, жон элим, тагин зафар, шон,
Бўйингни кўрсатди ойнайи жаҳон,
Менинг-чи, кўксимга сигмай ҳаяжон
Бу оқшом ўйларим қошингга учди.



Трамо¹дан эсди изғирин
Тушган тупук яхлайди — қишдай!
Шудгорларда қорли тўнкалар
Омбур билан суғрилган тишдай.

Қарағайлар қолган қорайиб,
Оқ қайинлар оппоқ яланғоч.
Чана тортиб югурар буғу.
Арчаларнинг бошида муз-тож.

Қуюқ булут аримас кўкдан,
Кун кўринмас баъзан бир ҳафта.
Соғиндимми, жўралар, кўпдан —
Хаёлларим иссиқ тарафда.

Унда полиз уйғотар ҳавас:
Чиққинг келмас — тунагинг келар;
Терисига сигмай ананас
Тарс-тарс ёрилади гоҳилар.

Унда гуллар барг ёзар ҳали,
Унда ҳали гунча очар лаб,
Унда зув-зув югурар ари
Гиёҳларнинг шарбатин ялаб.

Унда ҳатто тунлар назар сол:
Нур эшилар ипак қатидай,
Чинорларнинг учига ҳилол
Илинади оққуш патидай.

Шабадаси ҳузурбахш водий,
Боғларида куй оқин-оқин;
Бол бойлаган мевасин-ку, қўй
Шалдираган барги ҳам олтин.

¹ Т р а м о — куз

Йўқ-йўқ, қўшиқ билан кирмадик ҳеч ҳам,
Йўқ-йўқ, қўшиқ билан кирмадик жангга;
Ахир тўй эмасди ва ёки байрам,
Ахир юрт бомбадан қолганди чангга.

Йўқ-йўқ, қўшиқ билан кирмадик жангга,
Фақат ҳайқирганмиз нафрат билан рост;
Қаҳримиз ганимга бўлса аланга,
Меҳримиз бўлганди Ватанга ихлос.

Милтиқ кўтаришни қилмасдик ҳавас,
Милтиқ кўтартирди ўзи урушлар,
Душман уйимизга келиб қолгач бас,
Биз ҳам инигача қилдик юришлар.

Ардаклар! Бизнинг қўшиқчиларимизнинг
Юришлари билан ҳам яшар юрт, элени;
Понюк қадамлардан, понюк қўллардан —
Биз бош қўйган ерлар бўлсин аяқсиз!..

ЗАФАР ОҚШОМИ

- (1945 йил 9 май кеч, Москва)

Гум! Гум Тўплар салют бердилар бу кеч
Сомон йўли каби яшнар гард-гарди...

Кўплар қўмсаб дейди: «Бўлганда Ильич,

Бу гал ҳам жилмайиб қуллуқ этарди».

Зафар топмиш эли, чехраси гулгун,
Қалбим қаъригача бўлмиш нурафшон;

Тошқин шалоладай мисоли кулгу —

Хандон лабларидан учар бу оқшом...

Зўрликнинг бўларкаи шундай заволи:

«Зўр»лар заҳар ичмиш соч юла-юла;

Байроқлар мағлуб-у, байроқлар ғолиб,

Ғолиб байроқлардан ёғилар шуъла.

Юксак-юксаклардан таралди қат-қат

Қат-қат камалакдай нур даста-даста,

Минин-Пожарский кўзида ҳайрат:

Халқ сайли, халқ рақси чайқалар пастда.

Жароҳати ҳали битмаган йигит —

Келганди суяниб қўлтиқтаёқда,

Даврада оғриқ ҳам бўлдимин унут,

Ўйин тушиб кетди битта оёқда.

Ажаб тароватда қолди Ер, Осмон,

Ажаб қирмиз бўлиб яшнади юзлар.

Сен ҳам тонгга қадар парпира ва ён,

Ён ёқут юлдузлар, ёқут юлдузлар!..



Бугун бағрингиздан мен кетар бўлдим,
Қўзга суратингиз нақш этар бўлдим,
Қалбга меҳрингизни беркитар бўлдим
Не-не ўгилларга мардона шаҳар.

Мактаб партасида ўргандим сизни,
Репин пейзажида кўргандим сизни,
Пушкинда учратдим хотирангизни
Не-не ўгилларга мард-она шаҳар.

Сизсиз кўз олдимга келмас инқилоб,
Инқилоб ҳақида сиз Буюк Қитоб,
Мўъжиза, ҳикматни ёритар офтоб —
Ҳар бир монументу ҳар бир тошингиз

Ҳақиқатда олганда босқинчи Гитлер
Тўзонда қолганда осмон билан ер,
Бомбадан муз эриб бўлганда ҳам тер
Барини енголди чўнг бардошингиз.

Бу кун тонгингизга ташлайман назар
Тинч меҳнат экини ташир баржалар,
Баржани ўпган ел сочларим тарар
Фараҳбахш муз еллар, хуш қолинг.

Элимга мен сиздан қўшиқ айтаман,
Қўшиққа ишқимни қўшиб айтаман,
Мадҳингизни жўшиб-жўшиб айтаман
Гранит соҳиллар хуш қолинг.



Ўзларига қўшиқ қилдим завқимни
Гузарим тушмасин қачон, қай элга,
Фин бўйида ҳатто мен ўз шавқимни
Изҳор этганим бор эстон, карелга.

Купеда чех, мўгул кетдик ёнма-ён
(Рости бунисига саёҳат сабаб)
Боз тез қовушишга тополдик имкон
Кундай равшан эди кўигилдаги гап.

Дўстларим, орани бир хассос тилмоч
Улаб тургандир деб ўйларсиз зора,
Йўқ, ундай тилмочга бўлмадик муҳтож
Қилганимиз ҳам йўқ имо-ишора.

Бор эди рус тили деган таниш тил,
Ўша кўприк бўлди, ўтди дилга — дил...



Дуйё иши қизиқ туюлар менга,
Шундан ўзгасини кўрмадим бир қур,
Қўкка ирғитганинг қайтар заминга,
Олсга кетганинг шунча тез келур.

Қайга бошламасин бурчинг ё ишинг;
Орзу қанот бериб, учирсин қайга;
Майли, дўстдай кутсин унда ҳам кишинг;
Майли етиб боргил ҳаттоки Ойга;

Майли юрагингда жўшиб ҳойна-ҳой,
Янги-янги ҳавас юз очсин гунча,
Лек чорларкан ортга онла, уй-жой
Ҳам муқаддас Ватан деган тушунча.

ИШҚИНГ БИЛАН



Яхши қол Ер, яхши қол шаҳрим,
Яхши қолинг туйгулар, ҳислар,
Сиз туфайли заминда баҳрим,
Шаҳримдаги шодлигим — сизлар.
Эзгуликка ундаб бот-бот,
Қалбга тугён бўлиб кирдингиз.
Орзулардан боглаб қўш қанот,
Олисларга сиз учирдингиз.
Сув устида юзгандек кема
Булут аро ўтар лайнерим;
Ўйларимни, ўқ қўққа деман —
Ўқ қўққа сершовқин ерим.
Мен сершовқин атайман ернн,
Шовқин — болажонлар шовқинин;
Топроқларга мўл завқ-шавқ берди,
Мангу берган бўлсин шавқини.
Қунгурали яшил сўрига
Болиш ташлар қорасоч санам,
Чинни лаган тутиб қўлига
«Келин, ошни сузинг», — дер онам.
Ошми, ошки — бирам хушбўй мурч,
Олган эдик ўртага энди;
Дарвозани чертиб икки-уч,
Маматхалил дўстим кўринди.
Шулар билан мунаввар кечам,
Шулар билан умрим ғунчалар,
О шуларсиз, шуларсиз ҳечам
Севмас эдим Ерни мунчалар!..



Сени бир умрлик йўлдошим дедим,
Умримизга қўшсин садоқат безак.
Орзумни ҳам баҳам кўрмоқчи эдим,
Бир тақдир йўлида иккимиз кезсак.

Боғларга бошласам дейман, боғларга
Сен эса баримдан тутоласанми?
Чанқасанг элтгум бор соф булоқларга —
Дашту-қумлоқлардан ўтоласанми?

Қаддингни кўрсатсам дейман баҳорга
Лекин баҳоргача қиш ҳам бор талай.
Интизор термилгим сен азиз ёрга
Куч, сабру-матонат, бардошинг қалай.

Юксак юлдузларининг қошига элтгум,
Йўлларда дуч келар бурмали қоя;
Овлоқлик — ҳатто зор учса бўлар гум
Булутлар тебраниб ташлайди соя.

Ипакдай назаринг гоҳ тушиб қолиб
Тубсиз жарликлардан ҳайиқмайсанми;
Йўқ, бу хатардан ҳам ўтгум бор олиб —
Мен бошлаган йўлдан сен чиқмайсанми?!

Яшил олчазорлар ародир уйинг,
 Сен-чи, соч тарайсан дарча ёнида;
 Ҳовлида кўринса шамшоддай бўйинг —
 Йўлларингни пойлаб чиққум, жонидан.

Сен юрган кўчалар азиз мен учун,
 Изингдан термилган кўзлар ёт, аммо
 Кимгадир лоақал жилмайсанг — бу чин —
 Мени ўртар мудҳиш бир ўй-муаммо.

Сен шунда юпатмоқ бўлмагил минг-минг,
 Менинг бир чўғ бўлиб ёнади танам;
 Борлигинг сингари бор табассуминг
 Танҳо ўзимники бўлмасми, санам?!
 *

Тубсиз дарёларнинг остида
 Дур оқади;
 Зулмат тўлқинлари қатида
 Нур оқади;
 Қатлам-қатлам тоғ этагида
 Ганжинаи-кон;
 Ошиқ ўйларининг тагида
 Севги, дард пинҳон!

(Ҳ а з и л)

Яна пайдомисан менинг қаршимда,
Деразамдан аста бўйлаб турибсан.
Яна пайдомисан менинг қаршимда —
Рўмолинг учини ўйнаб турибсан.

Гулгун қаболарда ёниб, нозланиб
Шивирлаб қоласан қошлари камон.
— Онамнинг бағридан чиқдим Сизни деб,
Сиз бўлса қочасиз, қочасиз, ёмон!..

— Нетай ҳузурингда лол бўлсам агар,—
Қитобни қўлтиқлаб аста чиқаман.
— О ҳой, тўхтанг,— дейсан кулиб жилвагар,
Эргашиб келасан соямдай ҳамон.

Шундай, қанча қочмай, қанча қочмай ҳам
Хаёл бўлиб ёндан бир дам жилмайсан.
Муштоқман ўзингга, қошлари қалам,
Ўзинг чақирсам-ку келмайсан...

Гўдагинг аллалаб ухлатгач, жонон,
Альбомга ҳам наздинг тушар-ку бир қур,
: Хув этиб хаёлинг кетса ёр тёмон
Ҳақсан уни шундай қилсанг тасаввур:
Оқшомлар созига сийнасин бериб,
Маъсум, йироқларга тикилганча тик,
Бир севгини куйлар симобдай эриб,
Гоҳ дарддан, гоҳ шавқдан ёшланар кинрик,
Шунда самога боқ, ҳей қоши қундуз,
Ёринг кўз ёшидир сочилган юлдуз.

Қўчалар тинчийди, хиёбон сокин
Эл ширин уйқуда туш кўрар айни,
Мудраб, кўзларини ишқаб ҳаттоки
Ғойиб ҳам бўлишар «Ётти оғайни»
У эса поминини ҳамон зикр этиб
Тебрана, куйларни сенга армуғон.
Аста ёришаркан уфқнинг чети,
Порлаб кўк тоқида кўринди Чўлпон.
Ёўқ, бу Чўлпон эмас, боқ ҳей баладга
Бу, ёринг қалбидир бир чўғ алаиға!

Қўл солиб фазонинг мовий бўйинига,
Шафақлар товланар бамисли атлас,
Тун эриб боради тонгининг қўйинига,
Қандайдир какликлар сайрар басма-бас
Қайдадир арғумоқ, уч-тўрт кишнади,
Қайдадир мажнунтол силкитди кокил,
Қайдадир сўнги бор мушак яшнади,
Қайдадир гулзорни ёриб борар ел;
Гул оралаб эсан ўша ҳур насим
Бу, ёринг нафаси, ёринг нафаси!

Иуқра тоғлар орқасига
беркинувди офтоб,
Елвагай ҳайрон чиқди
Кўкда балқиб моҳитоб.

Нежабким лолагун бир
ёрни излаб у ҳам
Бепоен чангиб кўринган
дайр аро кезса шитоб.

Оқ булутлар сирғалиб шўх
юз-кўзин тўсмиш ҳарир
Ё париваш, сенга ўхшаш
чеҳрада сиймин ниқоб.

Чеҳрада сиймин ниқоб ҳа,
гоҳи жилмайган бўлур,
Гоҳ оро йўлда қолиб тонг
Телмирар, айлаб итоб.

Кечани бедор этдик
икки ошуфта кўнгил:
Тинмай изларди ёрин у,
Мен-чи, кўргайманми хоб.

Тонгда гул баргига биллур —
ашки қолмиш, во дариғ,
Дилгинам титрайди баргдай
Қайси дил бергайди тоб?

‘ Ҳар ошиқ маъшуқ кўйига
Шунчалар тушса, Низом,
Ҳосил ўлмасми муроди,
таърифи бўлгай китоб.



Ана, чақнаб қолди кўкда Зухро ҳам,
Юзларга пардадир нақ абри-найсон.
Зухро тортиқ этган менинг Зухрогинам,
Менинг хаёлимда ўзинг чақнайсан.

Юлдуз ловиллайди, юлдуз ёнади,
Сенинг кўзларингга ўхшайди ул ҳам;
Арши-аъло аро ул ҳам танҳодир,
Сен менга танҳодек юлдузгинам.

Юлдуз сайр этсин, сен ором ол, гул юзим,
Бошинг узра ўзим ҳамиша посбон;
Совуқ найзаларнинг кўрмасин юзин
Сен яшаган ер-у, юлдузли осмон!..



Олис-олис кўк қаърида
Жилваланди бир юлдуз
Шу юлдуздан минг бора да,
Сен жилвали қора кўз.

Юлдузларни англаб юлдуз
Кўз қисишин бир кўрсанг.
Сен ҳам, дилбар, кеча-кундуз
Иўлларимга боқурсан.

Юлдуз интиқ юлдузига
Юлдуз учар юлдузга.
Мен ҳам учгум, учмай нега
Сен қошлари қундузга?!..

МУНДАРИЖА

ЎЛКАМ ҚАСИДАСИ

Ватан	: : 3
Боқсанг олислардан	4
Бурч	5
Тарих китобини варақлар қизим	7
Ранглар мавжи	9
Фазогирлар нақлин мен ҳамон	9
Туи пардасин чил-чил этганда кундуз	10
Толе менн севиб	11
Булутлар қўшилса	12
Мен ҳам баргман	12
Ўзбекистон	13
Куз	17
Қутлов	18
Уч лавҳа	19
Энди бир тутамлик	20
Яп-яланғоч шоҳу шоҳчалар	21
О, мени ҳам	22
Шаҳрим билан юзма-юз	23
Яхшиям бор экаи ишонч, эътиқод	25
Ҳали сарғайишлар давридан холи	25
Юрганда-ку	26
Зулмат дамидан нур чўчимас	26
Қандай юмуш билан банд бўлсанг ҳам гар	26

ҚАРДОШЛАР ҚҲЗУРИДА

Остимда қаноти кумуш тус дулдул	27
Биз турли миллатлар	27
О, Феруза, Феруза	28
Қачон, қайга қилмайин сафар	29
Шоир	30
Бир даста гул ташлаб ўт	31
Буюклик қошида	32
Нолишим йўқ ўтган дамлардан	33
Қучдингми жон элим тағин зафар-шон	34
Трамодан эсди изғирин	35
Йўқ-йўқ, қўшиқ билан кирмадик	36
Зафар оқшоми	37
Бугун бағрингиздан мен кетар бўлдим	38
Ўзларига қўшиқ қилдим	39
Дунё иши қизик туюлар менга	39

ИШҚИНГ БИЛАН

Ишил олчазорлар ародир уйинг	40
Сени бир умрлик йўлдошим дедим	41
Яхши қол Ер, Яхши қол шаҳрим	42
Тубсиэ дарёларнинг тагида	42
Яна пайдомисап	43
Гўдагнинг аллалаб ухлатгач, жонон	44
Нуқра тоғлар	45
Ана чақнаб қолди кўкда Зухро ҳам	46
Олис-олис кўк қаърида	46

На узбекском языке

Н и з а м ж о н П а р д а

СТРАНА ЛЕБЕДЕЙ

С т и х и

Редактор С. Барноев

Рассом Л. Сялимжанова

Расмлар редактори Т. Махмудова

Техн. редактор Л. Буркина

Корректор М. Ортиқова

Босмахонага берилди 5/XII-1974 й. Босишга рухсат
этилди 24/III-1975 й. Формати 70×108¹/₃₂. Босма листи 1,5.
Шартли босма листи 2,1. Нашр листи 1,65. Тиражи
10 000. Қоғоз № 1. Баҳоси 21 т.

Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Комитети «Ёш гвардия»
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома 99—72.
ЎзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия
ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат Комитети
3-босмахонаси, Тошкент, Хоразм кўчаси 9,
Заказ № 1041. Р 11124.

07—4—3 № 289
П ————— 60—75
356—06—75